

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ**

**“ПЛЕМАЛИТА” ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК 636.082.933.2**

**ТУРСУНОВ ХАЙРУЛЛО ШАРОФИДДИНОВИЧ**

**СУР ҚЎЗИЛАРДА РАНГ-БАРАНГЛИКНИНГ ИФОДАЛАНИШИ  
ВА УНИ СЕЛЕКЦИЯЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Ихтисослик: 06.02.01 – «қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш  
ва селекцияси»**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди илмий даражасига даъвогарлик  
учун диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**Тошкент - 2007**

Илмий иш Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг Қорақўл қўй зоти селекцияси Марказида бажарилган.

**Илмий раҳбар:** кишлоқ хўжалиги фанлари доктори,  
профессор **С.Ю.ЮСУПОВ**

**Расмий ёлпонентлар:** кишлоқ хўжалиги фанлари доктори,  
профессор **П.С СОБИРОВ**,  
кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди,  
катта илмий ходим **А.ГАЗИЕВ**


**Етакчи ташкилот:** Тошкент Давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси 2007 йил "8" сентябр соат 11-12 да  
"Премэлита" ИИБ Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти  
хузуридаги Д.020.33.01 бирилашган ихтисослашган кенгашнинг йиғилишида  
бўлиб ўтади.

Институт манзили: 702145, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Қизил шалола" п/б.

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2007 йил "17" апрел да тарқатилди.



а-14048

Ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби, қ-х.ф.н.

А.А. Нурматов

## 1. ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Қорақўлчилик чорвачиликнинг энг муҳим ва ўзига хос тармоқларидан бири бўлиб, дунё бозорида юқори талабга эга бўлган турли ранг, ранг-баранглик ва ассортиментдаги қорақўл терилари, гўшт, жуш, суг маҳсулотларини етиштириш билан бир қаторда худудда яшовчи 2,0 миллиондан ортиқ аҳолининг ҳаёт кечириш воситаси ҳамдир.

Ранг жиҳатдан зотнинг қимматли гуруҳларидан бири сур рангли қорақўл кўйлари ҳисобланади ва бу ранг генетик жиҳатдан фарқланадиган 3 хил зот гуруҳини (Бухоро, Сурхондарё, Қорақалпоқ), турли ранг-барангликлар, гул шакллари ўз ичига олади. Ушбу рангда муҳим селекцион белгилар бўйича селекция ишларини олиб бориш ўзига хослиги ва мураккаблиги, улар билан наслчилик ва танлаш-жуфтлаш ишларини олиб боришда ўзига яраша қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Рангдор кўйларда, хусусан сур рангли қорақўл кўйларида гулларнинг тип ва шаклларидан ташқари яна бирқатор кўрсаткичлар мавжудки, уларнинг паст даражада намоён бўлиши яхши гул сифатлари мавжудлиги шароитида ҳам териларнинг харидорғирлигини, кўзиларнинг насл кийматини пасайтиради. Булар жумласига сур ранги ва ранг-барангликларининг ифодаланиши, унинг тери сатҳи бўйича текислиги, жун толасининг пигментланган остки қисмидан кам пигментланган учки қисмига ўтиш кескинлиги каби белгиларни киритиш мумкин. Улар орасида муҳим селекцион аҳамиятга эга бўлган белгилорчи кўрсаткичлардан бири ранг - барангликнинг ифодаланиши ҳисобланади. Шу боис ранг-барангликнинг ифодаланишини махсус тадқиқотларда ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади ва юқори сифатли сур терилар салмоғини кўпайтириш имконини беради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ушбу йўналишда ҳозиргача бажарилган тадқиқотлар белгининг барча хусусиятларини тўлиқ очиб бераолмайди, у ўта муҳим селекцион кўрсаткич бўлишига қарамай, уни ўрганиш бўйича яхлит, мажмуий тадқиқотлар бажарилмаган.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг тематик режасининг 01 дастури доирасида бажарилди (Давлат кайднома рақами П-16.8).

**Тадқиқотнинг мақсади.** Бухоро зот типига мансуб сур рангли қорақўл кўйларида ранг-барангликнинг ифодаланиши, унинг бошқа муҳим селекция белгилари билан боғлиқлик даражаларини, наслдан-наслга берилиш жиҳатларини ўрганиш ва шу асосда кўйларни селекциялашнинг самарати хусусиятларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Мақсадга эришиш қуйидаги вазифаларни бажариш орқали амалга оширилди:

- ранг-барангликнинг ифодаланиши бўйича қўйлар селекция гуруҳларини танлаш, уларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларини ўрганиш;
- қўйларни турли вариантларда жуфтлаш натижаларини ўрганиш;
- ранг-баранглик ифодаланишига боғлиқ ҳолда муҳим селекция белгиларининг намоёнланиш даражаларини, ирсий кўрсаткичларини ўрганиш;
- қорақўл териларининг товар хусусиятларини баҳолаш;
- олинган илмий маълумотлар асосида қўйларни самарали селекциялаш йўлларини аниқлаш.

**Тадқиқот услуби ва манбаи.** Сур қорақўл қўйлари, кўзилари ва терилар.

**Тадқиқот усуллари.** зоотехникавий, селекцион, статистик.

**Ҳимояга чиқарилаётган асосий масалалар:**

- ранг-барангликнинг ифодаланиши, қўйларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари;
- жуфтлаш вариантларига боғлиқ ҳолда авлодларда муҳим селекция белгиларининг намоён бўлиши, уларнинг ирсий хусусиятлари;
- қорақўл териларининг товарлик хусусиятлари;
- ранг-барангликнинг ифодаланиши бўйича жуфтлаш самарадорлиги.

**Илмий янгиллиги.** Сур қўйларнинг асосий кўрсаткичлардан бири бўлган ранг-барангликнинг ифодаланиш даражаси бўйича селекциялаш самарасини ошириш йўналишида соҳада илк бор илмий изланишлар олиб борилди. Ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг сур қорақўлчилиги учун янги ҳудуд бўлган Жанубий-Ғарбий Қизилқум шароитида ўтказилиши унинг янгиллик қирраларини янада кенгайтиради.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Жанубий-Ғарбий Қизилқум шароитида ранг-баранглик ифодаланишининг табиатини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларини нафақат ушбу ҳудудда, балки сур қўйлари урчитилувчи барча ҳудудларда қўллаш ранг-баранглик ифодаланишининг яхшиланиши билан бир қаторда бошқа хусусиятларининг ҳам сезиларли яхшиланиши орқали қўйлар насл қийматининг ортиши, маҳсулот сифатининг кўтарилиши, кам қимматли «қорасур» типидagi қўйлар ва маҳсулот салмоғининг кескин пасайишини таъминлашда ўз аксини топади.

**Тадқиқотлар натижаларининг жорий этилганлиги.** Тадқиқот натижалари Бухоро вилояти Шофиркон туманининг “Ғалаба” қорақўлчилиқ ширкат хўжалигида жорий этилган.

**Диссертация материалларининг синондан ўтгашилиги.**

Ишнинг асосий мазмуни қуйидаги йиғилишларда муҳокама этилган:

1. Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг (ЎзҚЧЭИТИ) Қоракўл қўй зоти селекцияси Маркази йиғилишида (2004 йил).
2. ЎзҚЧЭИТИ Илмий кенгашида (12 сентябрь, 2006 йил).
3. Самарқанд ҚХИ илмий семинарида (27 октябрь, 2006 йил).
4. “Племэлита” ИИБ Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти илмий семинарида (10 ноябрь, 2006 й).

**Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги.** Диссертация иши бўйича 5 та илмий мақола чоп этилган, шундан 2 таси журналларда.

**Диссертация структураси ва ҳажми.** Диссертация ҳажми 121 бет компьютер матнидан иборат бўлиб, у кириш, адабиётлар шарҳи, тадқиқотлар манбаи ва услуби, хусусий тадқиқот натижалари, илмий тадқиқот натижаларининг муҳокамаси, иқтисодий самарадорлиги, хулоса ва амалий тақлифлар бобларидан иборат. У 31 та жадвал, 10 та расм, 1 та тасвирда умумлаштирилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 122 та бўлиб, шундан 4 таси чет эл илмий манбаларидан иборат.

## **2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**2.1. Тадқиқотнинг манбаи ва усуллари.** Тадқиқотлар 2002-2005 йилларда Бухоро вилояти Шофиркон туманининг қумли чўл ҳудудида жойлашган “Ғалаба” ширкат хўжалигида бажарилди.

Тадқиқотларда сур рангли қоракўл қўйлари ранг-барангликнинг (аъло, ўрта, паст) ифодаланиши кўрсаткичи бўйича 100 бошдан гуруҳларга (6 гуруҳ) ажратилиб, ушбу гуруҳлардаги қўйлар (600 бош) аъло ва ўрта ифодаланишига эга бўлган элита классли кўчқорлар билан жуфтланди (тасвир).

Жуфтлаш жараёнида қўйлар кўчқорлар уруғи билан сунъий уруғлантирилди (“Қоракўл қўйларини сунъий уруғлантиришни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қўлланма”, 2004 йил).


Тадқиқот давомида селекцион, биологик кўрсаткичлар умум қабул қилинган услублар ёрдамида ўрганилди.

Биринчи босқич тадқиқотларда жуфтлаш вариантларига боғлиқ ҳолда мутаносиб равишда 64, 93, 49, 44, 63 ва 36 бош олинган авлодлар баҳоланди.

Иккинчи босқич тадқиқотларида аъло, ўрта ва паст рангбаранглик кўрсаткичига эга бўлган гуруҳларда шу хусусиятли кўзилар бирлаштирилиб, уларнинг миқдори мутаносиб равишда 108, 156 ва 85 бошни ташкил этди.

Қоракўл кўзилари ва қоракўл терисидаги гулларнинг типлари ва шакллари органолептик усулда аниқланиб, эгаллаган майдонига қараб фоизда ифодаланди. Гулларнинг узунлиги, жун толаси узунлиги миллиметрли линейкада ўлчанди, гулларнинг эни, мустаҳкамлиги, жойлашиш расми, жун-тола қопламанинг ялтироқлиги ва ипаксимонлиги

## Тадқиқотлар тасвири



Раиғ-баранглик  
ифодаляниши аъло

Раиғ-баранглик  
ифодаляниши аъло

Раиғ-баранглик  
ифодаляниши ўрта

Раиғ-баранглик  
ифодаляниши ўрта

## Авлодларда ўрганилган кўрсаткичлар

Раиғ-баранглик ва гул  
хусусиятлари

- Раиғ ва раиғ-баранглик хусусиятлари;
- гул хусусиятлари;
- жун-тола сифати кўрсаткичлари;
- белгилар корреляцияси

Биологик  
хусусиятлар

- Тирик вазн ва унинг динамикаси;
- ўсим ва ривожланиш динамикаси;
- конституция;
- Ҳаётчанлик.

Қорақўл териларининг  
айрим товар хусусиятлари

- Сағх ўлчами;
- массаеси ва солиштирма массаеси;
- Қалинлиги;
- навлар салмоғи.

Жун хусусиятлари

- Жун маҳсулдорлиги;
- жундорлик коэффициенти;
- узунлиги;
- морфологик таркиби

Раиғ-баранглик ва гул хил бўлган  
кўрсаткичлари (аъло, ўрта, паст)

- Гул кўрсаткичлари;
- Раиғ кўрсаткичлари;
- Жун-тола раиғининг сифати ва миқдор кўрсаткичлари.

Тадқиқотлар натижаларининг иқтисодий самарадорлиги

органолептик усулда баҳоланди (“Қоракўлчиликда наслчилик ишларини юргизиш ва кўзиларни баҳолаш бўйича қўлланма”, 2000 йил).

Қоракўл кўзиларида сур рангининг муҳим хусусиятлари ҳисобланган ранг-барангликнинг ифодаланиш даражаси, текислиги, остки қисмидан учки қисмига ўтиш кескинлиги, пигментланган ва оқарган қисмлар нисбатига органолептик усулда баҳо берилди.

Кўйлар ва улар авлодларининг биологик хусусиятларини (тирик вазн, ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари) ўрганиш учун ҳар бир гуруҳдан аналоглар усулида статистик ишонччилик учун етарли миқдорда (30 бошдан) кўйлар ажратиб олинди ва уларда пружинали ва платформали тарозилар, ўлчов таёқчаси ва миллиметрли лента ёрдамида ўрганилди. (И.А.Чижик, 1979, Е.Я.Борисенко, 1967).

Турли ранг-баранглик ифодаланиш кўрсаткичларига эга бўлган авлодлар ва қоракўл терилари хусусиятлари алоҳида-алоҳида ўрганилди (БҚИТИ қўлланмаси, 1963 й).

Таҳриба гуруҳлардаги кўйларнинг конституционал хусусиятлари органолептик усулда, ҳаётчанлик даражаси эса маълум давр оралиғида чиқимнинг бор-йўқлигига қараб баҳоланди.

Кўйларнинг жун маҳсулдорлиги пружинали тарози ёрдамида 100 г аниқликда, толалар нисбати эса (қилтиқ, оралиқ ва тивит толалари) ёп қисмидан олинган жун намуналаридан ажратиб ҳисоблаш орқали, жун толалари узунлиги миллиметрли лишейка ёрдамида ўрганилди (БЧИ услуги, 1972 й.).

Таҳриба гуруҳлардаги кўйларнинг селекция, биологик, жун маҳсулдорлиги ва қоракўл териларининг товар хусусиятлари кўрсаткичлари бир-бирига нисбатан назорат вазифасини ўтади.

Олинган рақамли маълумотлар вариация статистикаси усулларида Н.А.Плохинский (1969), Е.К.Меркурьева (1970), Г.Ф.Лакин (1968) усулларида қайта ишланди.

**2.2. Ранг-барангликнинг ифодаланиши.** Ушбу кўрсаткич кўйларнинг насл, қоракўл териларининг товарлик қийматини белгиловчи муҳим селекция белгиларидан бири ҳисобланади ва унинг намёнлик даражаси тола узунлиги бўйича ранг берувчи пигментнинг ранг ҳамда турли концентрацияда тарқалиши билан узвий равишда боғлиқ. Бундан ташқари ушбу кўрсаткич қоракўл гулларининг типи ва шакли билан ҳам маълум даражада боғлиқликка эга.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда мазкур масалани ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилиб, олинган маълумотлар 2.2.1 жадвалда келтирилган.

2.2.1 жадвал

Жуфтлаш вариантлари бўйича авлодларда ранг-барангликнинг ифодаланиши

Ота-оналарда ранг-барангликнинг ифодаланиши		Бош сони	Авлодларда ранг-барангликнинг ифодаланиши, %		
♂	♀		Аъло	Ўрта	Паст
Аъло	Аъло	64	76,6±5,29 <sup>X)</sup>	23,4±5,29	-
	Ўрта	93	55,9±6,25 <sup>X)</sup>	39,8±5,08	4,3±2,10
	Паст	49	36,7±6,89 <sup>X)</sup>	40,9±7,02	22,4±5,96
Ўрта	Аъло	44	47,7±7,53	47,7±7,53 <sup>X)</sup>	4,6±3,16
	Ўрта	63	17,5±4,79	73,0±5,59 <sup>X)</sup>	9,5±3,69
	Паст	36	8,3±4,60	66,7±7,85 <sup>X)</sup>	25,0±7,21

x) - P < 0,001; x - P < 0,05

2.2.1 жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, ота-оналарни турли вариантларда мақсадли жуфтлаш авлодларда ранг-барангликнинг ифодаланишини сезиларли даражада яхшилаш имконини беради.

2.3. Авлодларда сур рангининг кескинлиги. Ушбу кўрсаткич сур рангининг қимматлилигини белгилловчи асосий белгилардан бири ҳисобланиб, у жун толасининг тўқ рангланган асосидан турли даражада пигментсизланган учки қисмига ўтиш кескинлигини кўрсатади.

Ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқот натижалари 2.3.1 жадвалда келтирилган.

2.3.1 жадвал

Жуфтлаш вариантларига боғлиқ ҳолда сур рангининг кескинлиги

Ота-оналарда ранг-барангликнинг ифодаланиши		Бош сони	Авлодларда рангининг кескинлиги, % (X ± Sx)		
♂	♀		Аъло	Ўрта	Суст
Аъло	Аъло	64	76,6±5,29	16,1±4,59	7,3±3,67
	Ўрта	93	63,3±5,0	26,1±4,55	10,6±3,19
	Паст	49	52,3±7,13	28,2±6,43	19,5±5,66
Ўрта	Аъло	44	58,3±7,41	31,0±6,97	9,1±4,33
	Ўрта	63	41,3±6,20	46,0±6,28	12,7±4,20
	Паст	36	30,6±7,68	44,4±8,28	25,0±7,22

2.3.1 жадвал маълумотларидан кўринишича, ота-оналарда рангнинг турли даражада ифодаланиши авлодларда рангнинг кескинлигига сезиларли таъсир этади.

«Аъло х аъло» вариантли жуфтлашда кескин ранг ўтишига эга бўлган авлодлар салмоғи 76,6%, ўрта даражадаги ўтиш кескинлигидаги авлодлар салмоғи 16,1%-ни ва суғ ўтиш кескинлигидаги авлодлар салмоғи 7,3%-ни ташкил қилса, бу кўрсаткичлар «аъло х паст» вариантыда мутаносиб равишда 52,3; 28,2% ва 19,5%-ни ташкил этиши, яъни кескин ранг ўтишидаги авлодлар салмоғи 24,3%-га камайиб, қолган икки кўрсаткичли авлодлар салмоғи мутаносиб равишда 12,1 ва 12,2%-га кўпайиши кузатилди. Ушбу йўналишда «аъло х ўрта» вариантли жуфтлашда оралик маълумотлар қайд этилди.

Хулоса қилиб айтганда, ота-оналарни ранг-барангликнинг ифодаланиши бўйича мақсадли жуфтлаш авлодларда ранг кескинлигининг яхшиланишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади.

2.4. Авлодларда сур рангининг текислиги. Сур рангли қўйларда рангнинг текислиги муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Ушбу кўрсаткичнинг кучли даражада ифодаланиши қўйларнинг ирсий, қорақўл маҳсулотининг товарлик қимматлигини кескин оширувчи омилдир.

Кўрсаткичнинг муҳимлигини назарда тутиб тадқиқотларни бажариш давомида унинг ота-оналарни ранг-баранглик ифодаланиши бўйича турли вариантларда жуфтлаш шароитида намоён бўлиши ўрганилди. Олинган маълумотлар 2.4.1 жадвалда келтирилган.

#### 2.4.1 жадвал

Жуфтлаш вариантларига боғлиқ ҳолда сур рангининг текислиги

Ота-оналарда ранг-барангликнинг ифодаланиши		Бош сон	Ранг текислиги, % ( $X \pm Sx$ )		
♂	♀		Текис	Ўрта	Нотекис
Аъло	Аъло	64	85,8±4,36	11,8±4,03	3,2±2,20
	Ўрта	93	75,8±4,53	18,5±4,03	5,7±2,40
	Паст	49	53,0±7,13 <sup>x)</sup>	34,7±6,80	12,3±4,69
Ўрта	Аъло	44	72,7±6,72	18,2±5,82	9,1±4,34
	Ўрта	63	50,8±6,30	36,5±6,07	12,7±4,20
	Паст	36	38,9±8,13 <sup>x)</sup>	38,9±8,13	22,2±6,93

x)  $P < 0,001$

Юқорида келтирилган жадвалдан кўринишича, авлодларда сур рангининг текислиги жуфтланаётган ота-оналарда ранг-баранглигининг ифодаланиши билан сезиларли даражада боғлиқ.

Агар «аъло х аъло» вариантли жуфтлашдан олинган авлодларнинг 85,8%-и рангининг бутун тери сатҳи бўйича текислиги билан характерланса,

бундай кўрсаткич «аъло х паст» вариантли жуфтлашда 32,8 фоизга кам ва 53,0%-ни ташкил этади. ( $P < 0,001$ ).

Худди шундай ҳолатни «ўрта х аъло» ва «ўрта х паст» жуфтлаш вариантларида ҳам кузатиш мумкин.

Бу вариантларда тескис рангли авлодлар чىқими орасидаги фарқ 33,8 фоизни ташкил этиб, статистик жиҳатдан ишончли ( $P < 0,001$ ).

Ҳар иккала гуруҳ жуфтлаш вариантларида «аъло х ўрта» ва «ўрта х ўрта» вариантларнинг кўрсаткичлари оралик ҳолатни эгаллаши кузатилди.

Шундай қилиб, ранг-баранглик ифодаланиши бўйича жуфтлашда юқори сифатли ота-оналардан фойдаланиш авлодларда ранг текислигининг сезиларли яхшиланишини таъминлайди.

**2.5. Авлодларда жун-тола қопламнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари.** Ушбу кўрсаткичлар қаторига жун-тола қопламнинг ипаксимонлиги, ялтироқлиги, пигментланиш даражаси, узунлиги каби белгилар кириб, улар муҳим селекцион аҳамиятга эга.

Тадқиқотларни олиб бориш жараёнида ранг-баранглик ифодаланиши бўйича ота-оналарни жуфтлаш шароитида олинган авлодларда жун-тола қопламнинг ялтироқлиги ва ипаксимонлиги ўрганилиб, олинган маълумотлар 2.5.1 жадвалда келтирилган.

2.5.1 жадвал

Авлодларда жун-тола қопламнинг сифат кўрсаткичлари

Ота-оналарда ранг-барангликнинг ифодаланиши		Бош сон	Жун тоалари ялтироқлиги, % ( $\bar{X} \pm S_x$ )			Жун тоалари ипаксимонлиги ( $\bar{X} \pm S_x$ )		
♂	♀		Кучли	Ўрта	Паст	Кучли	Ўрта	Паст
Аъло	Аъло	64	32,8±5,87	65,6±5,94	1,6±1,57	29,7±5,71	64,1±6,00	6,2±3,01
	Ўрта	93	28,0±4,66	57,9±5,12	14,1±3,61	22,6±4,34	63,3±5,00	14,1±3,61
	Паст	49	20,4±5,76	59,2±7,02	20,4±5,76	16,3±5,28	66,5±6,74	17,2±5,39
Ўрта	Аъло	44	29,5±6,88	63,7±7,25	6,8±3,80	22,7±6,32	65,9±7,15	11,4±4,79
	Ўрта	63	20,6±5,09	63,5±6,07	15,9±4,61	19,0±4,94	62,0±6,11	19,0±4,94
	Паст	36	13,9±5,77	61,2±8,12	25,0±7,22	13,9±5,77	58,2±8,22	27,8±7,47

2.5.1 жадвал маълумотларидан кўринишича, ота-оналарда сур ранг-баранглигининг юқори даражада ифодаланиши улардан олинган авлодларда жун тоалари ялтироқлиги ва ипаксимонлигига ижобий таъсир қилади. Ушбу шароитда «аъло х аъло» вариантли жуфтлашда кучли жун тола ялтироқлигига эга бўлган авлодлар салмоғи 32,8%-ни, кучли ипаксимонликка эга бўлган авлодлар салмоғи 29,7%-ни ташкил этса, ушбу кўрсаткичларнинг «аъло х паст» вариантли жуфтлашда сезиларли даражада пасайиб, мутаносиб равишда 20,4 ва 16,3%-ни ташкил этиши кузатилди. Биринчи гуруҳ жуфтлаш вариантларида меъёрли жун-тола қоплами сифат кўрсаткичли авлодлар

салмоғи деярли бир хил кўрсаткичларга (57,9-65,6 ва 63,3-66,5%) эга бўлиши аниқланди.

Юқорида қайд этилган ҳолатни иккинчи гуруҳ жуфтлаш вариантларида ҳам кузатиш мумкин. Таъкидлаш лозимки, ота-оналарни ранг-баранглик ифодаланишига қараб жуфтлаш авлодларда паст сифатли жун-тола қопламга эга бўлган кўзилар чиқимининг кескин даражада камайишини таъминлайди. Агар «аъло х аъло» вариантли жуфтлашда паст ялтироқлик ва ипаксимонликка эга бўлган жун-тола қоплами кўзилар салмоғи 1,6 ва 6,2 фоизни ташкил этса, «аъло х паст» вариантли жуфтлашда бу кўрсаткичларнинг 2,77-12,75 барабар ортиши ва бундай кўзилар салмоғи муносабат равишда 20,4 ва 17,2%-ни ташкил этиши кузатилди.

**2.6. Авлодларнинг гул хусусиятлари.** Олиб бориладиган селекция ишларининг натижаси олинган авлодларда муҳим селекция белгиларининг максимал даражада ифодаланиши билан боғлиқ. Сур рангли қоракўл кўйларида ранг-баранглик, жун-тола сифати кўрсаткичлари билан бир қаторда қоракўл гулларининг хусусиятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотлар давомида олинган авлодларда гулларнинг узунлиги, расми, мустаҳкамлиги каби кўрсаткичлар ўрганилиб, натижалар 2.6.1 жадвалда келтирилади.

2.6.1 жадвал

Авлодларда муҳим гул кўрсаткичларининг намоён бўлиши

Ота-оналарда		Бош сон	Муҳим гул кўрсаткичлари, %						
ранг-барангликнинг ифодаланиши			Гул узунлиги		Гуллар расми		Гуллар мустаҳкамлиги		
♂	♀		Узун	Ўрта	ПК	ПТ	Ўта мустаҳкам	Мустаҳкам	Етарсиз
Аъло	Аъло	64	42,2±6,17	43,8±6,20	42,2±6,17	39,1±6,10	21,9±5,17	60,9±6,10	10,9±3,90
	Ўрта	93	44,1±5,15	41,9±5,11	44,1±5,15	34,4±4,93	25,8±4,54	61,3±5,05	6,52±5,56
	Паст	49	46,9±7,13	42,9±7,07	42,9±7,07	40,8±7,02	26,5±6,30	59,2±7,02	6,1±3,42
Ўрта	Аъло	44	40,9±7,41	45,5±7,51	45,5±7,51	43,1±7,47	22,7±6,32	61,3±7,34	9,1±4,34
	Ўрта	63	44,4±6,26	38,1±6,12	38,1±6,12	38,1±6,12	20,6±5,06	63,5±6,06	7,9±3,40
	Паст	36	44,4±8,28	41,7±8,22	38,9±9,13	41,7±8,22	25,0±7,22	61,1±8,13	5,6±3,83

Изоҳ: ПК -- параллел-концентрик; ПТ -- параллел-тўғри

Тадқиқот натижалари ота-оналарда ранг-баранглик ифодаланишининг авлодларда гул хусусиятларининг намоён бўлишига маълум даражада таъсир этишини кўрсатди ва бунда ранг-барангликнинг пастроқ даражада намоён бўлиши билан гул узунлиги ва мустаҳкамлигининг бироз юқори бўлиши кузатилди.

Биринчи гуруҳ жуфтлаш вариантларининг «аъло х аъло» вариантда узун гулли авлодлар салмоғи 42,2%-ни, ўта мустаҳкам гулли авлодлар салмоғи эса 21,9%-ни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткичлар, муганосиб равишда «аъло х ўрта» вариантда 44,1 ва 25,8%-ни, «аъло х паст» вариантда эса 46,9 ва 26,5%-ни ташкил этиши аниқланли.

Қайд этилган кўрсаткичларга мос равишда тадқиқот натижалари «аъло х паст» вариантда етарсиз мустаҳкам гуллар салмоғининг «аъло х аъло» вариантга нисбатан 10,9%-дан 6,1%-гача, яъни нисбатан 44,04%-га камайиши қайд этилди. Шундай устунлик иккинчи гуруҳ жуфтлаш вариантларида ҳам аниқланди.

Жуфтлаш вариантларига боғлиқ ҳолда гулларнинг жойлашиш расми бўйича биринчи гуруҳ вариантларида сезиларли фарқланишлар кузатилмади. Маълум фарқланишлар иккинчи гуруҳ жуфтлаш вариантларида қайд этилди. Умуман таъкидлаш лозимки, барча жуфтлаш вариантларида гулларнинг сифат кўрсаткичлари бўйича қониқарли даражадаги юқори натижалар олиш мумкинлиги аниқланди.

**2.7. Авлодларда ранг-баранглик ифодаланишига боғлиқ ҳолда муҳим белгиларнинг намоён бўлиши.** Тадқиқотларнинг иккинчи йўналишида ранг-баранглик ифодаланиши бўйича ота-оналарини турли вариантларда жуфтлашдан олинган авлодларни шу кўрсаткич бўйича гуруҳлаш асосида муҳим селекция белгиларининг намоён бўлиш даражалари ўрганилди.

Олинган маълумотларнинг таҳлили узун гулли авлодлар чикими бўйича ўрта ранг-баранглик ифодаланишида юқори натижа қайд этилишини кўрсатди. Ушбу ҳолатда бундай кўзилар салмоғи 43,6%-ни ташкил этди. Аъло ва паст ранг ифодаланишига эга авлодларда узун гуллар чикими 40,7 ва 37,6%-га тенг бўлиши билан бир қаторда асосан ўрта гул узунлигига (47,2 ва 50,6%) эга бўлиши аниқланди.

Ўта мустаҳкам ва мустаҳкам гулли кўзилар салмоғи аъло ранг-баранглик ифодаланиши шароитда 83,3%-ни, ўрта ранг-баранглик ифодаланиши шароитида эса 84,6%-ни ташкил этганлиги қайд этилди.

Аъло ва ўрта ранг-баранглик ифодаланишига эга кўзиларнинг аксарияти гуллар расмининг параллел-концентрик (63,0 ва 62,8%) ва параллел-тўғри (18,5 ва 20,5%) шакли билан характерланиши кўзатилди.

Қайд этилган белгилар бўйича ранг-баранглик ифодаланиши паст кўзиларнинг нисбатан пастроқ кўрсаткичларини уларнинг туғилган пайтдаги паст синфлиги билан изоҳлаш мумкин.

**2.8. Белгиларнинг коррелятив боғлиқлиги.** Корреляцияни қоракўлчиликда қўллашнинг муҳим жиҳати шундаки, қоракўл кўзиларини баҳолашда 30 га яқин турли белгилар инobatга олинади. Бунча белги бўйича селекция иши олиб бориш орқали юқори самарага эришиш жуда қийин. Улар орасидаги корреляцион боғлиқлик даражаларини ўрганиш орқали эса

муҳимларини ажратиб олиш ва асосий эътиборни шуларга қаратиш асосида самарали селекция ишhini юритиш йўлларини белгилаб олиш мумкин.

2.8.1 жадвал

*Ранг-баранглик ифодаланишининг муҳим селекция белгилар билан корреляцияси*

<i>T/p</i>	<i>Селекция белгилар</i>	<i>Корреляция коэффициенти</i>
1.	Рангнинг кескинлиги	0,52 <sup>x)</sup>
2.	Ранг текислиги	0,38 <sup>x</sup>
3.	Жун толаси узунлиги бўйича пигментланиш нисбати	0,49 <sup>x)</sup>
4.	Жун-тола сифати	0,28
5.	Жун-тола узунлиги	0,44 <sup>x</sup>
6.	Гулларнинг узунлиги	- 0,18
7.	Гулларнинг мустаҳкамлиги	- 0,16
8.	Гулларнинг жойлашиш расми	0,41 <sup>x</sup>
9.	Гулларнинг типи ва шакли	0,38 <sup>x</sup>

x) -  $P < 0,001$ ;    x -  $P < 0, 01$

2.8.1 жадвал маълумотларининг таҳлили ранг-барангликнинг ифодаланишининг бошқа муҳим селекция белгиларининг намоён бўлишига маълум даражада таъсир этишини кўрсатмоқда.

**2.9. Териларнинг навларга тақсимланиши.** Қорақўл териларининг навлар бўйича тақсимланиши уларнинг қимматлилигини белгиловчи мажмуий кўрсаткич ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари гул сифати бўйича ўрта ва паст ранг-баранглик ифодаланишидаги қорақўл териларининг юқори ранг-баранглик ифодаланишидаги териларга нисбатан маълум даражада устунрок кўрсаткичларга эга бўлишини ва ушбу устунлик уларнинг навларга тақсимланишида ўз ифодасини топишини кўрсатди.

**2.10. Тадқиқот натижаларининг иқтисодий самарадорлиги.** Олиб борилган тадқиқот натижаларини баҳолаш олинган қорақўл маҳсулотининг сатх ўлчами, нав ва ассортиментларга тақсимланишини инобатга олган ҳолда амалга оширилди.

Қайд этилган ҳолатда ранг-барангликнинг аъло ифодаланишидаги 1 дона қорақўл терисининг ўртача сотиш баҳоси 9876,7 сўмни, ўрта ифодаланишидаги терини сотиш баҳоси 8842,0 сўмни, паст ифодаланишидаги терини сотиш баҳоси эса 7842,0 сўмни ташкил этди. Хўжалик шароитидаги 1 дона қорақўл терисини ишлаб чиқариш харажатлари (таннарх) 4836,5 сўмни, жами олинган соф фойда гуруҳлар бўйича 30 дона

тери хисобига мутаносиб равишда 151206,0; 120165,0 ва 90165,0 сўмни, рентабеллик даражаси эса 104,2; 82,8 ва 61,7%-ни ташкил этди.

### 3. ХОТИМА

#### 3.1. Хулосалар

1. Ранг-баранглик ифодаланиши сур қорақўличилигида муҳим кўрсаткич хисобланиб, ушбу кўрсаткичнинг аъло ифодаланиши бошқа муҳим селекция кўрсаткичларининг ижобий томонга ўзгаришини, қорақўл терилари товарлик хусусиятларининг яхшиланишини таъминлайди.

2. Ота-оналарини ранг-баранглик ифодаланиши бўйича жуфтлаш авлодларда ушбу кўрсаткичнинг намоён бўлишини сезиларли даражада яхшилади. Аъло ранг-барангликнинг ифодаланишидаги ота-оналарни жуфтлашда 76,6% авлодлар ушбу хусусиятга эга бўлиб, «аъло х паст» вариантда бу кўрсаткич 36,6%-ни ташкил этиши кузатилди ( $P < 0,001$ ) «аъло х ўрта» ва «ўрта х аъло» вариантли жуфтлаш кўрсаткичлари оралик ҳолатни эгаллаши қайд этилди.

3. Ранг-баранглик ифодаланиши бўйича ота-оналарни жуфтлаш авлодларининг ранг-барангликларга тақсимланиши, рангнинг ўтиш кескинлиги ва текислиги каби муҳим кўрсаткичларга тақсимланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди. Ушбу ҳолатда «аъло х аъло» вариантли жуфтлаш кумушсимон ранг-барангликдаги, аъло ранг ўтиш кескинлигидаги, текис рангли авлодлар чиқимини мутаносиб равишда 70,3; 76,6 ва 85,8% даражасида таъминласа, «аъло х паст» ва «ўрта х паст» вариантларида бу кўрсаткичларнинг камайиши аниқланди. Биринчи вариант жуфтлашда авлодларнинг аксарият қисми жун-толаларининг 1/4 (29,2%) ва 1/3 (55,9%) қисмининг рангсизланиши билан характерланса, бошқа вариант жуфтлашларида пигментсизланишининг 1/2; 1/5 ва 1/6 нисбатларига қараб кўпайиши кузатилди.

4. Ранг-баранглик ифодаланиши бўйича жуфтлашнинг жун толаларининг сифати ва узунлигига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатиши қайд этилди. Аъло ранг-баранглик ифодаланишидаги кўйларни жуфтлаш шароитида жун толаларининг юқори ялтироқлик ва ипаксимонлик кўрсаткичига эга кўзилар салмоғи 29,7-32,8%-га етса, «ўрта х паст» вариантда 13,9%-га тушиши кузатилди. Биринчи вариант жуфтлашда жун толаларининг бироз узунлашиши (10,48±0,12 мм) ва ушбу ҳолатнинг гулларнинг сифат кўрсаткичлари ва гул типларининг чиқимига сезиларли таъсир этмаслиги, элита синфли авлодлар чиқимининг маълум даражагача (16,7%-дан 26,6%-гача) кўпайишига олиб келиши аниқланади.

5. Авлодларнинг ўзида ранг-барангликнинг ифодаланишига боғлиқ ҳолда муҳим селекция белгиларининг маълум ўзгарувчанликка эга бўлиши аниқланди:

- гулларнинг узунлиги, мустаҳкамлиги, жойлашиш расми бўйича аъло ва ўрта ранг-баранглик ифодаланишидаги авлодлар кўрсаткичларининг

деярли бир хил кўрсаткичларга эга бўлиши, паст ранг-баранглик ифодаланиши шароитида эса ўрта узунликдаги кўзилар салмоғининг 50,2%-гача ортиши, ўта мустаҳкам ва мустаҳкам гуллар ҳамда параллел-концентрик гул расми кўзиларнинг камайиши кузатилади;

- сур ранг-баранглигининг кучли ифодаланиши учун жун толаларининг гул доираси бўйича 2/3 қисмга жингалакланиши макбул ҳисобланади. Бу шароитда сурлик 53,1% миқдорда аъло, 46,9% миқдорда ўрта даражадаги ифодаланиш кўрсаткичига, гуллар ҳам аниқ кўринишига эга бўлади. Аъло ифодаланишида ранг кескинлиги (75,9%), текислиги (79,6%) ҳам юқори даражада намоён бўлади ва статистик ишончли ( $P < 0,001$ ) устунликка эга бўлади, авлодларнинг аксарият қисми жун толаси пигментланган ва рангсизланган қисмларининг мақсадга мувофиқ 1/4 (38,9%) ва 1/3 (42,6%) нисбати билан характерланади;

- жун толаларининг сифат кўрсаткичлари бўйича аъло ранг-баранглик ифодаланишидаги кўзиларнинг жун толалари паст ранг-баранглик ифодаланишидаги кўзиларга нисбатан (9,84мм) бироз узунрок (10,28 мм) бўлиши билан характерланади ( $P < 0,05$ ).

- ранг-баранглик ифодаланишининг ранг кескинлиги (0,52), текислиги (0,38), жун толаларининг пигментланиш нисбати (0,49), жун тола узунлиги (0,44), гул типи ва шакли (0,38) билан статистик ишончли ( $P < 0,001$  ва 0,01) коррелятив боғлиқлиги уларнинг ирсий боғлиқлигини кўрсатади ва селекция жараёнини ранг-барангликнинг ифодаланишига йўналтириш орқали бошқа муҳим белгиларни сезиларли яхшилашга эришиш мумкин;

6. Ранг-баранглик ифодаланиши билан кўзиларнинг ўсиш, ривожланиш ва конституция кўрсаткичлари орасида маълум боғлиқлик мавжуд. Аъло ифодаланишидаги кўзилар тирик вазн, тана ўлчамларининг бироз пастлиги, конституциясининг бироз нозиклиги билан характерланади. Бундай фаркланиш тирик вазн бўйича туғилганда 190,0 граммни, онасидан ажратаётганда 1,02 килограммни, нозик конституция типи бўйича мутаносиб равишда 16,1 ва 4,8 фонзни ташкил этади ва охириги ёш даврда ушбу кўрсаткич аъло ранг-баранглик ифодаланишидаги кўзиларда сезиларли (10,0%) қисқарди.

7. Турли ранг-баранглик ифодаланишидаги қоракўл терилари сатҳ ўлчами ва оғирлиги бўйича бир-биридан маълум даражада фаркланади. Аъло ранг-баранглик ифодаланишидаги терилар (1412,78 см<sup>2</sup>) паст ранг-баранглик ифодаланишидаги териларга нисбатан (1398,45±26,3 см<sup>2</sup>) бироз йириклиги ва оғирроклиги (280,70 ва 270,80 грамм) билан характерланади.

8. Аъло ранг-баранглик ифодаланишидаги қўйлар ва 4-4,5 ойлик кўзилар ўрта ва паст ранг-баранглик ифодаланишидаги тенгдошларига нисбатан юқорирок жун маҳсулдорлиги, жундорлик коэффициенти, жун толаларининг узунлиги билан характерланиб, бундай устунлик жун маҳсулдорлиги бўйича она қўйлар 49,0 ва 118,5 граммни, 4-4,5 ойлик кўзилар бўйича 35,4 ва 46,6 граммни, жундорлик коэффициенти бўйича 1 кг тирик

вазнга 1,89 ва 3,28 граммни, жун толалари узунлиги бўйича она кўйларда 0,74 ва 0,73 сантиметрни ( $P < 0,05$ ) ташкил этади.

9. Ранг-баранглик ифодаланиши юкори бўлган кўйларни урчитиш паст ранг-баранглик ифодаланишидаги кўйларни урчитишга нисбатан иктисодий жиҳатдан сезиларли даражада юкори бўлди. Ушбу устунлик бир дон қоракўл терисини сотиш баҳосининг (9876,7сўм) сезиларли юкорилиги (2034,7 сўм), рентабеллик даражасининг (104,2%) баландлигида (42,5%-гача) ифодаланади.

### 3.2. Амалий таклифлар

Қоракўлчилик соҳасининг самарадорлигини ошириш, унинг экспорт салоҳиятини кўтариш, сур қоракўл кўйларининг ирсий имкониятларини тўла юзага чиқариш мақсадида селекция жараёнида уларни энг асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланган ранг-баранглик ифодаланиши бўйича жуфтлаш, ушбу жараёнда қайд этилган белгининг юкори даражада ифодаланишига эга бўлган кўйлардан максимал фойдаланиш тавсия этилади. Бу эса авлодларнинг насл сифатини, қоракўл маҳсулотининг экспортбоплик қимматлилигини сезиларли опиириш имконини беради.

#### 4. Диссертация мавзуси бўйича чоп этилган илмий ишлар.

4.1. Турсунов Х. Рангнинг ифодаланиш даражалари //Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги ж. – Тошкент, 2004. - №12. - 32-33 б.

4.2.Турсунов Х. Асл зотига торгади. Сур рангли кўзилар жун-толасининг сифати нималарга боғлиқ? //Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги» ж.//, - 2005. - №1 - 26 бет.

4.3.Турсунов Х. Эффективность разведения овец сур Бухарского породного типа // "Кишлоқ хўжалиги экологик муаммолари" Халқаро илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Бухоро - 2003 йил. - 454-455 б.

4.4.Турсунов Х. Жанубий-Ғарбий Қизилқум иқлим шароитида сур қоракўл кўйларининг айрим, биологик хусусиятлари // «Кишлоқ хўжалиги экологик муаммолари» Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Бухоро - 2006 йил - 215-217 б.

4.5.Турсунов Х., Юсупов С. Қизилқум шароитида сур қоракўл кўзиларида рангнинг текислиги // «Кишлоқ хўжалиги экологик муаммолари» Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Бухоро- 2006 йил - 229-230 б.

Тадқиқотчи:



Х.Ш.Турсунов

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди илмий даражасига талабгор  
Х. Ш. Турсуновнинг 06.02.01.- “қишлоқ хўжалик ҳайвонларини  
урчитиш ва селекцияси” ихтисослиги бўйича “Сур кўзиларда ранг-  
барангликнинг ифодаланиши ва уни селекциялаш хусусиятлари”  
мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕСИ

**Калитли сўзлар:** қоракўл қўйлари, жуфтлаш, селекция, ранг ва ранг-барангликнинг ифодаланиши, қоракўл терилари, ўсиш ва ривожланиш.

**Тадқиқот объектлари:** сур қоракўл қўйлари, қоракўл терилари, жун.

**Ишнинг мақсади:** сур ранги ва ранг-барангликларининг ифодаланиши, унинг бошқа белгилар билан боғлиқлигини, наслдан-наслга берилиш хусусиятларини ўрганиш асосида сур рангдаги қоракўл қўйларини селекциялашнинг самарали йўлларини аниқлаш.


**Тадқиқот усули:** зоотехникавий, селекцион, статистик.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** Жанубий-Ғарбий Қизилқум худудида биринчи бор Бухоро зот типидagi сур қоракўл кўзиларида ранг-барангликнинг намоёнлиги, унинг наслдан наслга берилиш хусусиятлари, бошқа асосий белгилар билан коррелятив боғлиқлик даражалари ўрганилди. Жанубий-Ғарбий Қизилқум шароитида ҳар хил ранг-баранглик ифодаланишидаги сур кўзиларнинг ўсиш ва ривожланиш, жун маҳсулдорлиги хусусиятларига баҳо берилди.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқотлар натижаларини сур қоракўл қўйлари урчиладиған худудларда, қоракўл терилари сифатини, қўйларнинг ирсий хусусиятларини яхшилаш ва кам қимматли “қорасур” вариациясидаги қоракўл терилари салмоғини камайтириш мақсадида самарали қўллаш мумкин.

**Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқот натижалари Бухоро вилоятининг “Ғалаба” қоракўлчилик хўжалигида кенг жорий этилган. Иқтисодий самарадорлик 1 бош қўйга 2034,7 сўмни ташкил этади.

**Қўлланиш соҳаси:** диссертация иши натижаларини Республиканинг бухоро сур қоракўл қўйлари урчитишга ихтисослашган барча қоракўлчилик хўжаликлариде қўллаш мумкин.



## РЕЗЮМЕ

диссертации Турсунова Хайрулло Шарофиддиновича на тему: «Выраженность расцветки сур у каракульских ягнят и особенности ее селекции», на соискание ученой степени кандидата сельскохозяйственных наук по специальности 06.02.01 – «разведение и селекция сельскохозяйственных животных»

**Ключевые слова:** каракульские овцы, подбор, селекция, окраска, выраженность расцветки, каракульские шкурки, рост и развитие.

**Объект исследований:** каракульские овцы сур, каракульские шкурки, шерсть.

**Цель работы:** изучение выраженности окраски и расцветок сур, выявление связи этого признака с другими признаками, особенностей его наследования, определение эффективных путей селекции животных этой окраски.

**Методы исследований:** зоотехнический, селекционный, статистический.

**Полученные результаты и их новизна:** впервые в зоне Юго-Западных Кызылкумов исследованы особенности проявления выраженности расцветки у каракульских ягнят сур Бухарского породного типа, выявлены особенности наследования данного признака, ее корреляция с основными смушковыми показателями. Установлены особенности роста и развития, шерстной продуктивности животных окраски сур при разной выраженности расцветки.

**Практическая значимость:** результаты исследований можно применить не только в зоне Юго-Западных Кызылкум, но и во всех зонах разведения каракульских овец сур для улучшения качества каракуля, повышения наследованных свойств овец и снижения удельного веса каракульских шкурок нежелательной вариации - «кара сур».

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** результаты исследований внедряются в каракулеводческом хозяйстве «Галаба» Бухарской области. Экономическая эффективность от внедрения на 1 голову составляет 2034,7 сум.

**Область применения:** результаты исследований можно применить во всех каракулеводческих хозяйствах республики, специализированных на разведении каракульских овец окраски сур бухарского породного типа.

## RESUME

the dissertation of Tursunov Khairullo Sharofiddinovich on theme: "Expression of sur colouration in karakul lambs and peculiarities of its selection" for competition of candidate's degree of agricultural sciences on specialty 06.02.01 – "breeding and selection of agricultural animals".

**Key words:** karakul sheep, breeding, selection, colour, expression of colouration, karakul pelts, growth and development.

**Object of investigation:** sur karakul sheep, karakul pelts, wool.

**Aim of the work:** the study of sur colour expression and colourations, the reveal of connection of this feature and peculiarities of its inheritance, the identification of effective ways of selection of animals of this colour.

**Methods of investigation:** zootechnic, selection, statistical.

**Obtained results and their novelty:** for the first time in the zone of South – West Kizilkum the peculiarities of expression of colouration in sur karakul lambs of Buchara stud farm type have been studied, the peculiarities of inheritance of a given feature, its correlation with the main astrakhan qualities have been identified. The peculiarities of growth and development, of wool productivity of animals of sur colouration have been identified.

**Practical significance:** the results of investigation can be used not only in the zone of South – West Kizilkum, but in all zones of breeding of sur karakul sheep for improvement of, karakul quality, increase of inheritable characteristics of and decrease of specific weight of karakul pelts of the undesirable variation "kara sur" (black sur)

**Degree of introduction and economical efficiency:** the results of investigation are introduced in the Karakul farm "Galaba" of Buchara region. The economical efficiency from introduction per one head is 2034.7 sum.

**Field of application:** the results of investigation can be used in all karakul farms of the republic, specialized in the breeding of sur karakul sheep of Buchara stud farm type.